

## PEDAGOGIKA. PSIXOLOGIYA. METODIKA. PEDTEXNOLOGIYA

### НИКОХДАН ТАШҚАРИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИРИ

Х.У. Абдусаматов – ўқитувчи

Ўзбекистон миллий университети

**Таянч сўзлар:** оила, никоҳ, ажримлар, никоҳдан ташқари муносабатлар, оилавий муносабатлар, таъсир.

**Ключевые слова:** семья, брак, развод, внебрачные отношения, семейные отношения, влияние.

**Key words:** family, marriage, divorce, extramarital relations, family relations, influence.

XXI аср ахборот технологиялари бўрони авж олаётган бир вақтда барча маъмулотларни салбий нуқтаи назардан баҳолаш илмий мулоҳазага эга бўлмаган шахсларга тааллуқли деб қараш мақсадга мувофиқдир. Фанлар тизимида “ТАБУ” (такик) тушунчасини кўр кўрона қўллаш ёш авлодни айни ўша табуга нисбатан қизиқишини орттиради. Бу эса ўз навбатида ёшлар ахборот воситалари учун бекорга вақтини сарфлаб, бўртирилган маълумотларни ўзлаштиришга сабаб бўлмоқда. Шу сабабдан ҳам оилавий муносабатларга таъсир қилувчи айрим масалалар ҳақида илмий асосли маълумот билан ёшларни қуроллантириш вақти келди.

Шарқона оила тизимига назар соладиган бўлсак, қадимдан ёш оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида маълум бир имкониятлар берилиши уқтирилиб борилган. Мисол учун аёл киши бемор бўлса, ёки фарзандсизлик дарди маълум бўлса эркак кишининг умрини бекор ўтказмаслик учун қўшимча никоҳларга йўл берилган. Бунда аксарият ҳолларда оила азият чекмаган. Аксинча, кўп оилалар биринчи никоҳини сақлаб қолган. Айни вақтда оила барқарорлиги, ёшларни оилавий қадриятларга бўлган муносабатларини мустаҳкамлигини ошириш бўйича ҳукумат томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аммо оилавий муносабатларга таъсир қилувчи омиллар кундан кунга ортиб бормоқда. Шулардан бири никоҳдан ташқари муносабатлардир. Никоҳдан ташқари муносабатлар оилалар мустаҳкамлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатадиган сабаблардан бири. У ҳоҳ ўзбек оиласи бўлсин, ҳоҳ бошқа миллат. Кишилиқ жамиятида оилаларда никоҳдан ташқари муносабатлар ҳаммаси хиёнат ҳисобланади. Хиёнат – ўзи нима? Эр-хотин хиёнати – оилавий ҳаётнинг кўнгилсиз ҳодисаларидан бири. Улар бўлган, бор ва бўлади – бу учлик олам каби қадимийдир. Бироқ бундан хиёнат қилинган кишининг қалб оғриғи қамаймайди. Одатда хиёнат ҳақидаги хабар – кучли изтироб бўлиб, буни ҳамма ҳам кўтара олмайди [1].

Шу билан боғлиқ равишда таниқли грузин психологи Дмитрий Узнадзенинг машҳур тажрибаси эсга келади. У бир неча маймунларни олиб, эркагини панжарага солади, урғочисининг ёнига бошқа бирини солади. Урғочиси янги хушторининг истакларига рўйхушлик берганида, унинг “қонуний” эркаги уларнинг алоқасини панжара ортидан кузатиб туради. Бир неча суткадан сўнг унда инфаркт юз берди. Урғочиси панжара олдида эмас, девор орқасида туриб хиёнат қилганда (яъни эркаги хиёнатни кўрмаганида), экспериментчи унинг соғлигида ҳеч нарсани кузатмади. Бу масалада биз маймунлардан фарқланамиз, дея олмайман.

Турли миллатлар маданияти асрлар давомида барча оила аъзолари, биринчи навбатда, эр-хотин хулқи, ахлоқ талабларини ташкил этувчи одатлар, таомиллар, муносабатлар мезонини шакллантирган. Баъзи миллатларда эр-хотин хиёнатига турлича муносабат билдирилади. Баъзиларида вафосиз хотинни жазолаш қабул қилинган бўлса, бошқаларида, аксинча, эр ижтимоий жаримага тортилади [2].

Албатта, агар эр ва хотин бир ҳақиқатни англаб етмаса, бундай ахлоқ оилага бахт олиб келмайди. Улар бир-бирини ардоқлаш, ҳурмат қилиш, уни тушунишга ҳаракат қилиш, оғриғини ҳис қилиш, унинг ўрнига қўйиб кўриш; нафакат ўз ҳис-туйғулари, қайғуси ҳақида ўйламаслик, балки ҳамма нарсани тенг кўриши лозимдир. Шундагина оилада тотувлик, ўзаро тушуниш бўлади. Ҳозирча, афсуски, тез-тез эр-хотинликнинг кўнгилсиз йўлдоши – никоҳдан ташқари муносабатлар муаммосига жуда кўплаб тўқнашишга тўғри келмоқда. Бу ҳолат эса, оилаларнинг ажрашувига, оила институтининг заифлашувига сабаб бўлмоқда.

Эр-хотин хиёнатига қандай ёндашиш лозим? Барчани қониқтирадиган ечимнинг топилиши даргумон. Мазкур масаланинг азалийлиги, оила муносабатлари пайдо бўлгандан бери мавжудлигига қармасдан, ҳануз унинг илмий адабиёти мавжуд эмас. Қундалиқ ҳаётимизда никоҳсиз севги алоқалари тўғрисидаги хабарларга етарлича кўп тўқнашамиз. Эр ва хотин хиёнатларининг кенг тарқалганлигидан далолат берувчи реал рақамларни далил қилиб келтиришнинг фойдаси йўқ. Никоҳсиз алоқалар никоҳнинг қайси босқичида юз бергани аҳамиятга эга. Хиёнатнинг ҳар қандай тури эр-хотин учун ўткир ёки узоқ муддатли эмоционал реакцияни келтириб чиқаради. Узоқ муддатли никоҳдан ташқари муносабатлар никоҳга эр-хотиннинг эмоционал эркининг юзага келиши билан ҳам хавф туғдиради.

Никоҳдан ташқари муносабатлар анъанавий тарзда хиёнат деб аталади, бошқача адюльтер (adultere) деб ҳам юритилади, французча – эр-хотин ишончининг бузилиши, эр-хотин хиёнати, бевафолик қилиш маъноларини билдиради. С.И. Ожегованинг рус тили луғатида бевафо тушунчасига “кимнингдир олдида ўз мажбуриятларини бузган, ишониб бўлмайдиган киши”, хиёнат тушунчасига эса “кимгадир нисбатан садоқатнинг бузилиши” сифатида таъриф берилган. Мана шу тавсифлар асосида эр-хотин хиёнатини никоҳида бўлган инсонига нисбатан садоқатнинг бузилиши сифатида ўрганиш лозим. Эр-хотин хиёнатининг асосий кўрсаткичлари бу бошқа бири билан жинсий алоқада бўлиш, учрашувларнинг яширинчалиги ва бунга никоҳидаги инсоннинг таққилиши ҳисобланади [3]. Шу тариқа, эр-хотин хиёнатини никоҳида бўлмаган жуфти билан ихтиёрий равишда жинсий алоқага киришиш сифатида белгилаш мумкин. Хиёнат оилавий ҳаётни бузувчи вариантлардан бири сифатида оилавий деструкцияларнинг бошқа турларидан кескин фарқланади: зиддиятлар, жанжал, ижтимоий хулқ, етишмовчилик, ажрим ва ҳ.к. эр-хотин хиёнати соғлом, ижтимоий муваффақиятли оилаларда ҳам учраши мумкин.

Унинг юзага келиши жанжал, зиддият, танглик ҳолатларида эр-хотинларнинг жинсий ҳаётидаги ўзгаришлар туфайли бўлиши мумкин. Гарчи хиёнат умуман оила муносабатларига эмас, эр-хотин ҳиссиётлари доирасига тегишли бўлса-да, бироқ унинг ташвишига бошқа оила аъзолари ҳам тортилади, бу эса доим оила атмосферасига негатив таъсир қилади, жиддий танглик ёки никоҳнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Ф.Энгельснинг “Ўлимга даъво бўлмагани каби эр-хотин хиёнатига ҳам қарши чора йўқ” деган фикрига таяниб, баъзи тадқиқотчилар адюльтерни оқлашга ҳаракат қилади, ҳаётга фалсафий ёндашиш, мувофиқ ишқий саргузаштларнинг оқибатларини унутмасликка чақиради [4].

Биринчидан, эр-хотин хиёнати оиланинг муҳим асоси, яъни эр-хотин ҳиссиётларига таъсир қилиб, оиланинг бутунлигига хавф солади.

Иккинчидан, эр-хотин структурасидаги муносабатларнинг бузилиши оилавий ҳаётнинг бошқа томонларига ҳам ўтади ва уларнинг эмоционал, кундалик турмуш тарзи, иқтисодий, ҳатто бола ва ота-оналар муносабатларига путур етказиши.

Учинчидан, ишқий-жинсий алоқа четдан рашк туйғуси, хафагарчилик, алданган турмуш ўртоғи азоблари билан кузатилади ва оилавий драмага чуқур вайронкор аффе́ктларни олиб қиради.

Тўртинчидан, никоҳсиз алоқалар хиёнат қилган эрнинг иззат-нафсига ва шахсий обрўсига тегади, у нафақат шахслараро, балки шахсий-индивидуал феноменига ҳам хиёнат қилади. Эри хиёнат қилган аёл ўзини таҳқирланган, ранжиган, бахтсиз деб ҳис қилади. Хотини хиёнат қилган эр камситилган, ўзининг номига

доғ тушган ва масҳара бўлган, атрофдагиларнинг кўз ўнгига бечора сифатида ўзини ҳис қилади. Эр-хотин хиёнатига хотин томонидан қилинган хиёнат деярли ҳар бир эркакда ор-номусини йўқотиш билан боғлиқ бўлади.

Бешинчидан, “жабрланувчи томон” учун эр хиёнати кучли психологик жароҳат ҳисобланади, психоген депрессиялар ва аутодеструктив хулқни (алкоголизациядан тортиб жонига қасд қилишгача) юзага келтириш, хиёнат қилган шерикига нисбатан агрессив тенденцияларни пайдо қилади (жисмоний таъсирдан ўлдиришгача).

Бевафолик ва эр-хотин хиёнати – битта нарса эмас, деган тушунча ҳам мавжуд. Масалан, немис психотерапевти К.Кофтаннинг фикрича, вафосизлик вужудга боғлиқ, хиёнат қалбга. А.Липпиус эр-хотин хиёнати тушунчаси доирасини никоҳдан ташқари жинсий алоқа ва хиёнатга ажратади [5,6,7]. Асосий фарқни у шунда кўрадики, хиёнатчи никоҳ шартномасини буза олмайди, бироқ у никоҳидаги шерикни яхши кўрмайди, уни шунчаки қандайдир вазиятлар ушлаб туради, масалан, у воз кеча олмайдиган болалари, мартабаси, кундалик қулайликлари ва ҳ.к.

#### Адабиётлар

1. Святош А.М. Женская сексопатология. -Ташкент: Изд.им.Ибн Сины. 1991. -С.138.
2. Андреева Т.В. Психология современной семьи. СПб. Речь, 2005. -С. 436.
3. Горпинченко И.И. Откровенно о сокровенном. -Т.: ИЗД.ИМ Ибн сины, 1991. -С.144.
4. Кривцов А.Г. О самом интимном. -Ростов-на Дону: 1990. -С.62.
5. Сисенко В.А. Устойчивость брака. -М.: МЫСЛЬ,1981. -С.106.
6. Андреева Т.В. Семейная психология. СПб. 2004.
7. Антонов А.И., Сорокин С.А. Судьба семьи в России XXI века. -М.: 2000. (гл.6 “Семья и здоровье”).

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола оилаларда ажримларга сабаб бўлаётган омиллardan бири никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий психологик хусусиятини очиқ беришга қаратилган. Мақолада никоҳдан ташқари муносабатларнинг юзага келиш сабаблари келтириб ўтилган. Ушбу муаммо хориж мамлакатлари олимлари ишларида қай даражада ўрганилганлиги кўрсатиб ўтилган.

#### РЕЗЮМЕ

Статья посвящается описанию социально-психологических особенностей внебрачных отношений, которые приводят к разводам в семьях. Рассматриваются также причины внебрачных отношений. Автор статьи показывает в какой степени эти проблемы изучены в трудах зарубежных учёных.

#### SUMMARY

The article is devoted to the description of social-psychological peculiarities of extramarital relationships that lead to divorces in families. The author of the article also studied the reasons of extramarital relationships and shows at what level this problem has been studied in the works of foreign scientists.

### КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ш.Ш.Адинаев – ассистент ўқитувчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

**Таянч сўзлар:** педагогик технология, талабаларнинг мустақил ишлари, таълимда компетентли ёндашув, case-study.

**Ключевые слова:** педагогическая технология, самостоятельная работа студента, компетентностный подход в образовании, кейс-стади.

**Key words:** pedagogical technology, independent work of students, competence approach in education, the modernization of education, case - study.

Талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш ва таъминлаш борасида Республикамиз ОТМларида назарий ва амалий жиҳатдан салмоқли ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш зарурки, ўқув режасидаги соатларнинг 42-44 %и талабалар мустақил ишларини бажаришга ажратилган. Биз ушбу мақолада “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш давомида талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш имкониятлари ҳақида ўз фикрларимизни ва тажрибаларимизни баён қиламиз.

Ҳозирги кунда юз бераётган жаҳон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, талабалар мустақил ишларини ташкил қилишга ва ўтказишга қўйилаётган талаблар ошиб бораётганини кўриш мумкин. Талабалар мустақил ишларининг ролини ошиши эса бутун ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишни қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Ўқув-тарбия жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, бу жараён талабаларда ўқиш, айниқса мустақил ўқиш кўникмаларини ривожлантириши, талабаларда ўз-ўзини бошқариш ва ривожлантириш қобилиятларини, шунингдек эгаллаган билимларини амалиётда ижодий қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш керак.

Маълумки, талабалар мустақил ишлари кўп ҳоллар-

да таълим сифатини белгилайди. Агар олдин таълим сифати эгалланган билим, кўникма ва малакалар билан аниқланган бўлса, бугунги кунда таълим сифати эгалланган компетенцияларга яъни, унинг шахсини, касбий компетенцияларини тарбиялашни талаб этмоқда.

Натижада талабалар мустақил фаолиятини қандай ташкил қилиш керак деган табиий савол туғилади. Бу ерда эмг муҳими талабаларда машғулотлар давомида ва аудиторида ташқари ишларда мустақил фаолият юрита олиш кўникмаларини шакллантириш муҳим.

Юқорида таъкидланганидек, ўқув режасида белгилаб қўйилган умумий юқламаларнинг 42-44%и мустақил ишларга ажратилган. Афсуски ҳозиргача талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш технологиялари пухта ишлаб чиқилмаган. Мустақил ишларнинг асосий турлари, уни бажариш босқичлари, шакллари ва мустақил ишларни бажариш воситалари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Айниқса мустақил ишларнинг бажарилишини назорат қилиш механизми яратилмаган. Талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш, ўтказиш ва назорат қилиш бўйича методик тавсиялар (ўқув фанлари кесимида) етарли эмас.

Мустақил ишларнинг сифат ва самарадорлигини та-